

# INTERNATIONAL CONFERENCE PEDAGOGICAL REFORMS AND THEIR SOLUTIONS

## VOLUME 2, ISSUE 1, 2024

### ОРОЛ БҮЙИ ШАРОИТИДА МАДАНИЙ ЯЙЛОВЛАРНИ ЙАХШИЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Утепбергенова Венера Махсетовна

Қоралпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти асистенти,

«Ўздаверлоийха» ДИЛИ мустақил тадқиқотчisi,

Жиенгалиева Ақнур

«Ер тузии ва ердан фойдаланиши» таълим йўналиши талабаси

**Изоҳ** – Сўнги йилларда мустаҳкам ем-ҳашак базасини яратиш ва чорвачиликни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш қишлоқ хўжаликлигини ривожлантиришнинг муҳим вазифаси бўлмоқда. Демак, бугунги кунда табиий яйловлардаги муаммоларни ҳал қилиш баробарида маданий яйловларни ривожлантириш энг самарали йўл ҳисобланади.

**Кириш.** Хаммамизга маълум Оролбўйи Амударё ва Сирдарёнинг қуий қисми ҳамда Орол денгизи атрофидаги ҳудудларни, шунингдек, дengiz satxining chekinishi natijasida uning shimoli-sharkiy va janubiy қисмида vujudga kelgan. Орол чўлини ўз ichiga olib bu regionda madaniy jaylovzorlarни unumdon daражада saqlab turish masalasi oson iш emas. Sababi ushbu regionda kuzatilaётган sув tanқisligi, tuproq va jaylovlar degradatsiyasi, iklim ўзгариши sharoitiда jaylovzorlarни doimo янги, юқори ҳосилдорли ўсимликлар билан тўлиқтириб боришини талаб қилади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Чорва молларини тўғри боқиши учун аввало ҳар бош молни зарур бўладиган ем-ҳашак билан тўла таъминлаш керак. Шунинг учун мустаҳкам ем-ҳашак базасини яратиш ва чорвачиликни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш қишлоқ хўжаликлигини ривожлантиришни юксалтириш бугинги куннинг долзарб масаласи бўлмоқда.

Демак, бугунги кунда табиий яйловлардаги муаммоларни ҳал қилиш баробарида маданий яйловларни янги, серҳосил ўсимликлар билан зичлачириб, ривожлантириш энг самарали йўл деб ҳисоблаймиз.

Навбат билан қамаб боқиладиган чорвачиликда яйлов майдонларини лойиҳалаш, уларнинг сонини ва майдонини аниқлашдан, шакли ва жойлашишини белгилашдан иборат бўлади. Шуни унутмаслик керакки, сугориладиган маданий яйловларда бир қамаб боқиладиган майдонда моллар боқиладиган кунлар сони бир ўтлатиши циклида 1-3 кунни, ўт қопламасининг ўсиш даври ўртacha 24-26 кунни ташкил этиши лозим.

Ўтказилган геobotаник тадқиқотлар шуни курсатади, ҳозирги вақтдаги Республика чорвачилигини маданий яйловзорлардан фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермайди.

#### Тадқиқот натижалари

Олимларнинг олиб борган тадқиқотлariга кўра яйловлар майдони уларнинг мавжудлиги, яшил озуқаларга бўлган талаб, уларни ҳайдалма ва бошқа ерларга трансформациялаш имкониятларини ҳисобга олиб аниқланади. Уни яйловлари майдонлари кичик ва уларни кенгайтириш имкониятлари чекланган хўжаликларда қуйидаги ифодадан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$\Pi_y = (B_y / y_{\text{як}}) * 100$$

бунда  $\Pi_y$  - яйловлар майдони, га;  $B_y$  - молларни яшил ўтларга бўлган ойлик талаби, ц;  $y_{\text{як}}$  - моллар боқиладиган даврдаги яйловларнинг ялпи ҳосилдорлиги, 1 га ц;  $\alpha$  - молларни боқиши даврининг маълум ойида яйловлардан яшил масса чиқишининг максимал фоизи, %; К - яйлов алмашишнинг умумий таркибидаги моллар боқиладиган йиллар сонининг нисбатини ҳисобга олувчи коэффициент (масалан, 9-йиллик яйлов алмашишда моллар ҳар йили 6 навбат билан боқиладиган майдонлarda ўтлатилса  $K=6:9=0,67$ ).

Масалан, агар  $B_y = 20000$  ц,  $y_{\text{як}} = 1$  га  $200$  ц,  $\alpha = 30 \%$  бўлса,

Яйловлар майдонини аниқлашда молларни боқиши усуслари ҳисобга олинади. Масалан, ғунажинларни ва ёш сигирларни ўстириш, сигирларга қараш технологияси боғлаб боқишини кўзда тутса, ер турларини ташкил этишда кўп йиллик маданий ва сугориладиган яйловлар лойиҳаланади.[2]

Сугориш техникасидан юқори унум билан фойдаланишга, қамаб боқиладиган майдонлар сугориш тармогининг намунавий тартибиغا мос қилиб жойлаштирилганда эришилади. Шунингдек яйлов

# **INTERNATIONAL CONFERENCE PEDAGOGICAL REFORMS AND THEIR SOLUTIONS**

## **VOLUME 2, ISSUE 1, 2024**

аламашинишини ташкил этиш асосида яйловларнинг унумдорлиги ошириш, чорвачилик тармоғини ривожлантириш ва аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини таъминлаш, турмуш дарражасини яхшилаш ва даромадини ошириш, яйловларнинг ҳолати ва ундан фойдаланувчиларнинг масъулияти ошириш, яйлов ерларидан фойдаланишда ўз-ўзини бошқариш механизмини шакллантиришни таъминлайди ҳамда яйлов ерларидан барқарор фойдаланиш тизими яратилади. [3]

Суғориладиган маданий яйловларда доимий суғориш жойларини ташкил этишда уларда қаттиқ қопламали, автосув ичгичлари бор суғориш майдончалари курилиши лозим.

### **Хуносалар**

1. Табиий яйловлардаги муаммоларни ҳал қилиш баробарида маданий яйловларни янги, серхосил ўсимликлар билан зичлачириб, ривожлантириш энг самарали йўл деб ҳисоблаймиз.
2. Маданий яйловларда тартибли интеграциялашган алмашлаб боқиши тизимини жорий қилиш яйловзорлардан фойдаланиш натижалиигини оширади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018-йил 28-апрель №299-сонли «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори
2. Аvezbaev C.A., Sharipov C. «Ер турларини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ер тузиш тадбирлари» //O’ZBEKISTON ZAMINI” 2020. №2-сон 2-4 бет
3. Нарбаев Ш.К. “Яйловлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари” // O’ZBEKISTON ZAMINI” 2020. №2-сон 24-26 б.
4. Ж.Сапарниязов, М.Аметов «Қорақалпақстан тәбиййый жайлаў районларын жақсылаў ҳэм оннан өнимли пайдаланнүй усуллары». Билим-1993